

XVIII. ТУРИСТИК ОЎҚИМ

2018 йилда Ўзбекистон Республикасига келган чет эл фуқаролари сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,3 мартага кўп.

6433,0
минг киши

• Ўзбекистон Республикасига келган чет эл фуқаролари

13838,6
минг киши

• Чет элга кетган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари

МДХ давлатларидан Ўзбекистон Республикасига келган чет эл фуқаролари 6015,9 минг кишини ташкил этган бўлиб, бу жами ташриф буюрганларнинг 93,5 % ташкил этади, узоқ хорижий давлатлардан эса 417,1 минг киши (ёки 6,5 %) ташриф буюрган.

2018 йилда чет элга кетган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан таққосланганда 2 мартага кўп.



МДХ давлатларига кетган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари 13308,0 минг кишини ташкил этган бўлиб, бу жами ташриф буюрганларнинг 96,2 % ташкил этади, узоқ хорижий давлатларга эса 530,6 минг киши (ёки 3,8 %) ташриф буюрган.

2014-2018 йилларда Ўзбекистон Республикасига келган чет эл фуқаролари сони динамикаси

Хориж давлатларидан Ўзбекистон Республикасига келган фуқаролар сонини таҳлилидан кўринадикки, охириги икки йилда ташриф буюрган чет эл фуқароларининг сони 2,3 мартага ортган. Масалан, 2017 йилда бу кўрсаткич 2,8 миллион кишини ташкил этган бўлса, 2018 йилда эса 6,4 миллион кишини ташкил этган.

Ўзбекистон Республикасига келган чет эл фуқаролари сони




Охирги икки йилда чет элга ташриф буюрган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сони сезиларли даражада ортди. Масалан, 2017 йилда бу кўрсаткич 6,8 миллион кишини ташкил этган бўлса, 2018 йилда эса 13,8 миллион кишини ташкил этди.

2014-2018 йилларда кетган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сонинг динамикаси



Кетган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сони


йил	Фуқаролар сони
2014	4225,9 минг киши
2015	4868,6 минг киши
2016	5310,0 минг киши
2017	6823,9 минг киши
2018	13838,6 минг киши




2018 йилда Ўзбекистон Республикасига келган чет эл фуқароларининг 53,1 % (3413,3 минг киши) эркаклар, 46,9 % (3019,6 минг киши) аёлларни ташкил этади.

Шу билан бирга кетган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг 57,8 % (8002,6 минг киши) эркаклар, 42,2 % (5836,0 минг киши) аёлларни ташкил этади.

2018 йилда Ўзбекистон Республикасига келган чет эл фуқаролари ва кетган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сони



МДХ ва узоқ хорижий давлатлардан Ўзбекистон Республикасига келган чет эл фуқаролари ва кетган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сони



Ўзбекистон Республикасига келган чет эл фуқароларининг асосий қисми Қозоғистон Республикасидан 2456,9 минг киши (38,2 %), Тожикистондан 1700,7 минг киши (26,4 %), Қирғизистондан 1101,5 минг киши (17,1 %), Россиядан 460,2 минг киши (7,2 %). Узоқ хорижий давлатлардан эса Туркиядан 74,8 минг киши (1,2 %), Хитойдан 37,1 минг киши (0,6 %), Жанубий Корейадан 32,7 минг киши (0,5 %), Хиндистондан 22,2 минг киши (0,3 %), Германиядан 19,1 минг киши (0,3 %), Япониядан 17,2 минг киши (0,3 %) ташриф буюрган.




2018 йилда Ўзбекистон Республикасига келган чет эл фуқароларининг мамлакатлар бўйича тақсимланиши



2018 йилда МДХ ва узоқ хорижий давлатларга кетган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сони


Чет элга кетган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг асосий қисми МДХ давлатларидан Қозоғистон Республикасига 51,6 % (7139,8 минг киши), Қирғизистон Республикасига 23,1 % (3196,8 минг киши) ва Россияга 8,5 % (1178,7 минг киши) ташриф буюрган. Узоқ хорижий давлатлардан эса Жанубий Кореяга (79,7 минг киши), Хитой, АҚШ, Германияга ташриф буюрган.



Ўзбекистон Республикасига келган чет эл фуқароларининг асосий сафар мақсадлари бу қариндошларни йўклаш (73,2 %). Кейинги ўринларда транзит - 9,1 %, сайёҳлик мақсадида - 7,1 %, доимий яшаш учун 1,2 %, хизмат юзасидан - 0,9 %, даволаниш мақсадида - 0,8 %, тижорат - 0,8 %, иш - 0,6 %, ўқиш мақсадида - 0,2 % ва бошқа мақсадларда 6,1 %. Ўзбекистон Республикасига келган чет эл фуқароларининг 53,1 % эркалар, - 46,9 % аёлларни ташкил этади.

2018 йилда Ўзбекистон Республикасига келган чет эл фуқароларининг сафар мақсадлари бўйича тақсимланиши

Келган чет эл фуқароларининг сафар мақсадлари



Чет эл фуқароларининг жинси бўйича тақсимланиши

3413,3 минг киши

3019,6 минг киши



53,1%





46,9%

2018 йилда Ўзбекистон Республикасига келган чет эл фуқароларининг жинси бўйича тақсимланиши

2018 йилда Ўзбекистон Республикасига келган чет эл фуқароларининг сафар мақсадлари бўйича тақсимланишидан кўриш мумкинки, уларнинг 14,6 минг нафари (41,1 % эркаклар, 58,9 % аёллар) ўқиш мақсадида, 50,9 минг нафари (82,3 % эркаклар, 17,7 % аёллар) тижорат мақсадида, 52,5 минг нафари (38,5 % эркаклар, 61,5 % аёллар) даволаниш мақсадида, 39,7 минг нафари (69,6 % эркаклар, 30,4 % аёллар) ишлаш мақсадида, 56,5 минг нафари (82,5 % эркаклар, 17,5 % аёллар) хизмат юзасидан, 458,1 минг нафари (52,9 % эркаклар, 47,1 % аёллар) сайёҳлик мақсадида, 4713,5 минг нафари (45,8 % эркаклар, 54,2 % аёллар) қариндошларни йўқлаш мақсадида келган.

Ўзбекистон Республикасига келган чет эл фуқароларининг сафар мақсадлари ва жинси бўйича тақсимланиши




2018 йилда Ўзбекистон Республикасига келган чет эл фуқароларининг ёши бўйича тақсимланиши

2018 йилда Ўзбекистон Республикасига келган чет эл фуқароларининг ёши бўйича таҳлилидан кўриш мумкинки, асосий улушни 31-55 ёшлилар 53,1 %, 19-30 ёшлилар 21,8 %, 56 ёш ва ундан катталар 17,3 % ни ташкил этади.

Даволаниш мақсадида ташриф буюрганларнинг 49,8 % 31-55 ёшлилар, 22,5% 19-30 ёшлилар, 19,0 % 56 ёш ва ундан катталар ташкил этади. Қариндошларни йўқлаш мақсадида ташриф буюрганларнинг 52,2 % 31-55 ёшлилар, 20,5 % 19-30 ёшлилар, 19,0 % 56 ёш ва ундан катталар ташкил этади. Сайёҳлик мақсадида ташриф буюрганларнинг 49,8 % 31-55 ёшлилар, 24,7 % 56 ёш ва ундан катталар ташкил этади.

2018 йилда Ўзбекистон Республикасига
келган чет эл фуқароларининг ёши
бўйича тақсимланиши, %



2018 йилда чет элга кетган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сафар мақсадлари бўйича тақсимланиши

Чет элга кетган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг асосий сафар мақсади қариндошларни бориб кўриш - 57,6 %. Кейинги ўринда эса ишлаш мақсадида 29,9 %, доимий яшаш мақсадида 3,3 %, сайёҳлик мақсадида - 2,9 %, хизмат юзасидан 0,8 %, транзит – 0,8 %, ўқиш мақсадида - 0,4 %, даволаниш, хизмат юзасидан - 0,4 % ва бошқа мақсадларда 3,9 %.

2018 йилда чет элга кетган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сони, минг киши



2018 йилда чет элга кетган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сафар мақсадлари бўйича тақсимланишидан кўриш мумкинки, уларнинг 50,6 минг нафари (65,0 % эркаклар, 35,0 % аёллар) ўқиш мақсадида, 58,0 минг нафари (45,6 % эркаклар, 54,4 % аёллар) даволаниш мақсадида, 404,4 минг нафари (52,0 % эркаклар, 48,0 % аёллар) сайёҳлик мақсадида, 113,2 минг нафари (91,2 % эркаклар, 8,8 % аёллар) хизмат юзасидан, 4134,0 минг нафари (72,6 % эркаклар, 27,4 % аёллар) ишлаш мақсадида, 7968,6 минг нафари (48,1 % эркаклар, 51,9 % аёллар) қариндошларни йўқлаш мақсадида чет элга кетган.

2018 йилда чет элга кетган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг
жинси ва сафар мақсадлари бўйича тақсимланиши

1

Хизмат юзасидан

эркаклар - 91,2 %
аёллар - 8,8 %



2

Ўқиниш

эркаклар - 65,0 %
аёллар - 35,0 %



3

Сайёҳлик

эркаклар - 52,0 %
аёллар - 48,0 %



4

Иш

эркаклар - 72,6 %
аёллар - 27,4 %



5

**Қариндошларни
йўқлаш**

эркаклар - 48,1 %
аёллар - 51,9 %



6

Даволаниш

эркаклар - 45,6 %
аёллар - 54,4 %




2018 йилда чет элга кетган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ёши бўйича тақсимланиши

2018 йилда чет элга кетган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ёши бўйича тақсимланишидан кўриш мумкинки, уларнинг 51,6 % 31-55 ёшлилар, 32,9 % 19 – 30 ёшлилар ва 10,6 % 56 ёш ва ундан катталар ташкил этади.

Сайёҳлик мақсадида хорижда бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг 51,3 % - 31 - 55 ёшлилар, 21,4 % - 19 - 30 ёшлилар, 16,3 % - 18 ёшгача бўлган фуқаролар ташкил этади. Ўқиш мақсадида кетганларнинг 76,4 % - 19-30 ёшлилар, 16,3 % - 18 ёшгача бўлган фуқаролар ташкил этади. Хизмат мақсадларида ташриф буюрганларнинг 69,0 % 31-55 ёшлилар, 20,7 % 19-30 ёшлилар ташкил этади.

2018 йилда чет элга кетган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ёши бўйича тақсимланиши, %



Ўзбекистон Республикасида сўнгги йилларда сайёҳлик соҳасини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги 5326-сонли фармони имзоланди. Ҳужжатда кўра Исроил, Индонезия, Корея Республикаси, Малайзия, Сингапур, Туркия ва Япониялик фуқаролар учун 30 кунлик муддатга виза режимини жорий этиш назарда тутилган. Бугунги кунда тўққиз мамлакат фуқаролари визасиз режимдан фойдаланадилар: Озарбайжон, Арманистон, Беларус, Грузия, Қозоғистон, Молдова, Россия, Украина ва Қирғизистон (60 кунгача).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 февралдаги “Кириш туризмни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 3509-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 15 ноябрдаги “2018 йил 19 - 21 ноябрда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган Туризм соҳасидаги биринчи халқаро инвестиция форумини самарали ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 931-сонли қарори, шунингдек Ҳиндистон Республикаси (01.10.2018 йилдан) ва Миср Араб Республикаси (05.09.2018 йилдан) ҳукуматлари билан сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида келишувлар имзоланди.

Бугунги кунда туризм жаҳон иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан бирига айланди. Шу муносабат билан Ўзбекистон сайёҳлик соҳасини модернизациялаш, соҳани барқарор ривожлантириш учун меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар базасини ривожлантириш ва такомиллаштиришга, хорижий меҳмонларга халқаро стандартларга мувофиқ хизматлар кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундан мақсад, Ўзбекистонда туризм соҳасини жадал ривожлантириш, жумладан, тарихий ва маданий меросга ҳурмат, халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берадиган инфратузилмани яратиш, халқаро муносабатларни мустаҳкамлаш, давлатимизни энг кўп сайёҳлар ташриф буюрадиган мамлакатлардан бирига айлантириш.